

To‘g‘ri tanlangan kasb – muvaffaqiyat kalitidir

2014-yil
avgust
№8 (44)

Kasbiy fanlar

metodikasi

Ma‘naviy-ma‘rifiy, ilmiy metodik nashr
e-mail: kf_metodika@inbox.ru

Yagonasan, muqaddas Vatanim, sevgi
va sadoqatim senga baxshida g‘o‘zal
O‘zbekistonim!



O‘QUV MAQSADLARINI
ANIQLASH

8–bet

XOTIRA MASHQI

13–bet

MUBORAK KUNLARGA
SHUKRONA

31–bet

2014-yil
avgust
№8 (44)

Kasbiy fanlar metodikasi

Maʼnaviy-maʼrifiy, ilmiy metodik nashr
e-mail: kf_metodika@inbox.ru

TAHRIR HAY’ATI:

Shamsenur ABDULLAYEVA,
pedagogika fanlari
nomzodi

Otamurod ABDUQUDUSOV,
pedagogika fanlari nomzodi

Rafiq MAHMUDOV,
texnika fanlari nomzodi

Sobir TURSUNOV,
pedagogika fanlari doktori

Zayniddin XUDOYBERDIYEV,
iqtisod fanlari doktori,
professor

Qurbanali XOLIQOV,
tadqiqotchi

Murodulla XOLMUHAMMEDOV,
texnika fanlari nomzodi

Bosh muharrir:
Matluba SHUKUROVA;

Navbatchi muharrir:
Abror UMARQULOV

Musahih:
Sadoqat RO’ZIYEVA

Jurnal 2011-yil
yanvar oyidan chiqa boshlagan

Muassis:
“METODIK TA’LIM SERVIS” MCHJ

Jurnal Toshkent shahar Matbuot va
axborot boshqarmasi tomonidan
07.02.2014 yilda №02-00136
raqam bilan qayta ro’yxatga olingan.

Tahririyat manzili:
100000, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko’chasi, 32-uy.
Telefonlar: 8-371-233-66-03 (faks),
236-18-05, (+99894) 697-28-50
E-mail:kf_metodika@inbox.ru

Bosishga 2014-yil 15-avgust kuni ruxsat
etildi.

Ofset usulida chop etildi. Qog’oz bichimi
60x84 1/8. Qog’oz hajmi shartli
6 bosma taboq.
Buyurtma №KF-7. Tiraj: 3219

“Avtonashr” MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Bosmaxona manzili:

MUNDARIJA

Aziz qadriyat

2-bet

Mustaqillik, asraymiz seni!

4-bet

O’quv maqsadlarini aniqlash

8-bet

Xotira mashqi

13-bet

Amaliy kasbiy ta’limni rejalashtirish

14-bet

What It Takes To Be A Great Teacher Or How To Become A Great Teacher?

16-bet

Психологический механизм профес- сиональной ориентации молодежи

18-bet

Vasiylik kengashi faoliyatini tashkil etishning samarali yo’llari

20-bet

Bugungi kun o’qituvchisi: u qanday sifatlarga ega bo’lishi zarur?

23-bet

Развитие профессиональной компе- тентности составляющая педагога

26-bet

Bitiruvchilarning bandligini ta’minlash

28-bet

Muborak kunlarga shukrona

30-bet

El-yurt haqida maqollar

32-bet

БУГУНГИ КУН

ҮҚИТУВЧИСИ: у қандай сифатларга эга бўлиши зарур?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг фаолиятига, уларнинг касбий маҳоратларини юксалтиришга боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий манфаати ва талабини бажаради, шунингдек, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда педагог муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим.



Ўқитувчи мустақиллик гоясига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чукур билимдони, педагогик муроқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечишни, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши керак. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Келажак авлод тарбияси нозик, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиласидиган, масъулиятли жараёндир. Ўқитувчи таълим берувчи сифатида таълим оловчиларнинг шаклланиш жараёнини синчковлик билан кузатиши даркор. У педагогик жараённи бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши муҳим. Шундагина ўқитувчи

педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини чукур англаб, педагогик меҳнат методи, технологияси ва касбий маҳоратни эгаллай олади. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, педагогика фанининг услубий асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Таълим тизимида меҳнат қилаётган муаллимларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чукур англаши лозим.

Аммо айрим ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳамиятини етарли даражада ҳис қилмайдилар, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини чуқурроқ ўрганишга қизиқмайдилар, ўкув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мос-

лигига, турмуш, амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўкув фанларининг илмий ва гоявий тарбиявий бирлигини доимо эсда тутмайдилар. Бу эса улар қўлида таълим олаётган ўкувчиларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли эмаслигига, ўкув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлади.

Ўзлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу гоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали, педагогик маҳоратга эга ўқитувчилар билан амалга ошириш мумкин.

Педагогик маҳорат туғма қобилият ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат самарасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули бўлмасдан, ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида шаклланади ва ривож топади.

Бу жараёнда ёш педагог илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини чуқур ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини унинг илғор тажрибалари билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машгулотларида яққол кўринади. Чунки ўкув машгулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўкув юритидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, гоявий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан ўкувчиларнинг тайёргарлик даражасига

боғланиши зарур.

Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро жонли мулоқот, самимий муносабат дарсдан кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажralиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насиҳаттўйликдан иборат юзаки ўтказиладиган дарс, маъруза ва бошқа ўкув машгулотлари ўкувчиларни қизиқтирилмайди, уларни илмий, гоявий жиҳатдан етарли озиқлантирилмайди.

Ўқитувчи ўкув машгулотларини шундай ташкил қилиши керакки, унинг таъсисирида ўкувчидаги шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шакллананиши зарур.

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги унинг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғликдир. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ қобилияти, муомала қила билиш қобилияти ва ҳоказолар.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчидаги осонлик билан шаклланмайди. Бу касбни танлаган инсон ўз мақсадига эришиш учун ўзлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган жараёнларни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онглилигига, миллӣй ғоя ва мафкурага содиқлигига, билиш ва фикр доирасининг кенглигига, ўз вазифасига муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доирасининг кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукаммал бўлмаса, у камолотга эриша олмайди. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилган ҳар бир



ўқитувчи, шубҳасиз ўз билимини доимо кенгайтириши, ўқувчига маънавий-ахлоқий таъсир этувчи гоя ва фикрларни янгилаб бориши зарур.

Ўқитувчининг илмий савияси, ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати дастлаб дарс ва маъruzalarda кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва маъruzанинг сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган ўқув машғулоти чукур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишонч, халқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда биринчи навбатда ёшларимиз ўз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Уларда юксак орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш-урганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўқув машғулотидан сўнг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил қилганликларини, маъ-

навий озиқ олганликларини ҳис қиласинлар. Таълимнинг мазмунли, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир-бирига боғлайди, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлади. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, ўз фанини ва уни ўқитиши усулларини мукаммал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи-мураббийга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, уларни ҳаётга қизиқтириш, руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис-туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниш маданиятига эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари, айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий, маънавий-маданий ишлар тарғиботчилари бўлишлари лозим.

Шундагина мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийлари номини зўр эҳтиром, чукур миннатдорлик билан тилга оладилар.

Нурмуҳаммад ДУЙСЕНОВ,
Абдураҳмон БАЙДУЛЛАЕВ,
Убайдилла МИРЗАЕВ

Ўқитувчи ён дафтарига!

Асосий штатдаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун қандай лавозимлар белгиланган?

Бош ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, катта ўқитувчи, олий маълумотли ўқитувчи ва ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчи лавозимлари белгиланган.

Асосий штатдаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари камида неча йилда бир маротаба аттестациядан ўтиши зарур?

Камида уч йилда бир маротаба. Янги ишга қабул қилинган ходим камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади. Шунингдек, педагог ходимларнинг ҳоҳишига ва ёзма аризасига кўра ёки худудий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг ташаббуси билан улар навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин. Педагог ходимларнинг навбатдан ташқари аттестацияси аввал ўтказилган аттестациядан камида бир йилдан сўнг ўтказилиши мумкин.

Даволанаётган ходимлар, ҳомиладорлик таътилидаги аёллар аттестациядан ўтадими?

Узоқ вақт (бир ойдан ортиқ) даволанаётган ходимлар, ҳомиладорлик таътилидаги, уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлиш таътилидаги аёллар ишга чиқканларидан сўнг камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

Уриндошлик (соатбай) асосида меҳнат қилаётган педагог ходимлар аттестациядан ўтказиладими?

Йўқ, ўтказilmайдi.